

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШАМОЛ РЕСУРСЛАРИ ва муқобил энергетикани ривожлантириш истиқболлари

Мутахассис олимларнинг ҳисоблари бўйича, сайёрамизнинг шамол энергия потенциали жаҳонда ҳозир ишлатилаётган электр энергия ҳажмига нисбатан 30 мартаба катта. Бу ер юзасига яқин ҳаво қатламидаги, яъни 100 метр баландликкача шамол энергиясининг имконияти ҳисобланади. 100 метр ва ундан баландда шамол тезлиги кучли ва ундаги энергия берадиган шамол қувватининг имконияти янада катта.

Ҳозирги пайтда дунё бўйича интенсив ишлатилаётган углеводород ёқилгиси (кўмир, нефть, газ ва бошқалар) тугайдиган табиий ресурслар бўлиб, уларнинг табиий захиралари 30-40 йилдан кейин жуда камайдиган, кўпгина давлатларда умуман тугайди. Шу сабабли ҳам дунёнинг ривожланган давлатларида, нуфузли илмий-тадқиқот марказларида муқобил энергия манбалари захираларини аниқлаш, улардан фойдаланиш бўйича катта миқёсда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилаётган.

Сайёрамизнинг жуда кўп ҳудудларида шамол ресурслари катта захирага эга бўлиб, улардан катта қувватда электр энергия олиш мумкин. Ҳисоб-китобларга кўра, шамол тезлиги 2,0-3,5 м/сек дан бошлаб электр энергия бера бошлайди, лекин унинг қуввати аккумулятори зарарлай олмайди. Шу сабабли самарали электр энергия берадиган шамол тезлиги 3,0 м/сек ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда дунё бўйича турли қувватга эга бўлган бир неча миллион шамол қурилмалари ишлаб турибди. Масалан, АКШнинг Калифорния штатида 16000 йирик шамол электр қурилмалари (ШЭК) ишлатилмоқда ва улардан ишлаб чиқарилаётган электр энергия Сан-Франциско шаҳрини керакли электр энергия билан таъминламоқда. Мўғилистонда 50000 дан ортиқ шамол электр қурилмалари ўзқ қишлоқларни, шунингдек, табиий керакли электр энергия билан таъминлайди. Германияда альтернатив электр манбаларидан ишлаб чиқариладиган электр энергиянинг 86 фоизи шамол энергиясига тўғри келади.

Данияда 2020 йилга бориб мамлакатнинг электр энергияга бўлган талабининг 50 фоизини шамол энергиясидан олиш режалаштирилган.

Ўзбекистон ҳам шамол ресурсларига бой ҳудудлардан ҳисобланади. Мутахассисларнинг ҳисоби бўйича республикада ер юзасига яқин ҳавода (10 метр баландликда) эсадиган шамолнинг электр энергия берадиган қуввати ҳозир мамлакатимизда бир йилда ишлаб чиқарилаётган электр энергиянинг 25 фоизини ташкил қилади. Агарда 100 метр баландликкача шамолдан электр энергия олинса, ҳозирги жами ишлатилаётган электр энергияга нисбатан каттароқ миқдорда электр энергия олиш мумкин.

Ўзбекистоннинг шамол ресурсларининг энергия имкониятларини, тарқалишини ва қувватини ўрганиш бўйича Германиянинг Geo-Net ва Intec Сора компаниялари «Ўзбек

энерго» АЖ билан ҳамкорликда тадқиқот ишлари олиб боришди ва Geo-Net компанияси томонидан Ўзбекистоннинг шамол ресурслари харитаси тузилди. Харита ер юзасидан 84 метр баландликдаги маълумотларга асосланади. Ушбу харитадаги маълумотлар бўйича шамол тезлиги 5,0 м/сек дан 6,5 м/сек ва ундан катта бўлган ҳудудлар мамлакатимиз умумий майдонининг 70-75 фоизини, шамол тезлиги 3,0 м/сек дан 5,0 м/сек гача бўлган ҳудудлар 20-25 фоизни ва шамол тезлиги 2,5 м/сек дан кам бўлган ҳудудлар 5 фоизга яқин ҳудудларни эгаллайди. Ушбу рақамлар республикамизнинг 95 фоиз ҳудудида шамол энергиясидан фойдаланиш мумкинлигини билдиради.

Шаҳар ва қишлоқларда жойлашган метеорологик станцияларда шамол ўлчиги асбобнинг баландлиги 10 метр бўлганлиги сабабли шамол тезлиги ва йўналишига баланд дараклар ва бинолар тўқинликларида. Шу сабабли ҳам аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда жойлашган метеорологик станцияларда шамол тезлиги ва йўналиши бўйича маълумотларда камчиликлар бор. Бундай ҳолат Самарқанд шаҳар метеорологик станциясига ҳам тааллуқли.

Ривожланган мамлакатларда шамол тезлиги ва йўналиши ер юзасидан 100 метр баландликкача ўлчанади ва жой-шароитига қараб электр энергия берадиган шамол қурилмаларининг ҳам баландлиги 80 метргача бўлади.

2015 йил 31 август кунини шамол тезлиги ва йўналишига тўқилган йўқ баландлик билан Самарқанд шаҳар метеорологик станцияси маълумотларини таққослаш мақсадида Самарқанд давлат университети тўқиз қаватли биноси томига 40 метр баландликка шамол ўлчиги асбобини, яъни анеморумбометрни ўрнатди. Шу кундан бошлаб ҳозиргача шамол тезлиги ва йўналиши суткада тўрт марта ўлчанади ва лаҳзали тезлик, максимал тезлик ва шамол йўналиши ёзиб олинади.

Битта оилани энг зарур электр энергия билан таъминлаш учун (ёритиш, телевизор, музлатгич, телефон зарядкаси) ўртача 1 кВт/соат электр энергия сарфланиши ҳисоблаб чиқилган. Шу ҳисоб бўйича диаметри 5,0 метр узунлиқдаги шамол қурилмаси Самарқанд шаҳри шароитида 40 метр баландликда 4-5 оилага етарли электр энергия ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Самарқанд вилоятида шамол тезлигини аниқлаш мақсадида вилоятдаги метеорологик станциялар



нинг шамол бўйича кўп йиллик (2000-2016) маълумотларини таҳлил қилиб чиқдик. Булардан ташқари Ўзбекистоннинг энг шарқий қисмида тоғ олди текислигига, Булунгур туманининг Эшмонтўп қишлоғига ҳам шамол тезлиги ва йўналишини ўлчайдиган асбобни — анеморумбометрни 2014 йил 14 майда ўрнатдик ва ҳозиргача ўзлуксиз ўлчаш ишлари олиб борилаётган. Самарқанд вилоятининг Булунгур тумани Санзор водийси билан чегарадош. Санзор водийси кучли шамол кўп эсадиган ҳудудлардан ҳисобланади ва бу тоғ-водий шамолнинг маҳаллий ҳалқ «Илон ўти», «Илон ўти» деб номланади. Йилнинг салқин ва совуқ вақтлари деҳқончиликда ҳамда аҳолининг ҳўжалиқ ишларига зиён келтирувчи шамолнинг олинга ўхшатилади. Совуқ об-ҳаво шароитида эсувчи шамолнинг илоннинг ўтига, яъни захрига қиёслашди. Илон ўти шамолнинг Булунгур туманига тўғри қисмини «Булунгур шамол» ҳам деб аташди. Бу шамол Санзор водийсидан тоғлар орасидаги ботиқлар, пасткаликлардан Зарафшон водийсига кириб келади. Бу кўп эсадиган кучли шамолнинг кучидан фойдаланиш учун қишлоқларда баъзи кишилар қўлбола шамол қурилмалари ясаб, электр энергия олишган.

Ердан 4-5 метр баландликка том тепаларига ўрнатилган шамол қурилмалари 2 та оилани энг зарурий энергия билан таъминлаган. Бундай қўлбола шамол қурилмалари сони турли қишлоқларда 20 дан ортиқ бўлган. Кейинчалик солиқ муаммоси пайдо бўлиб, бу қурилмаларни ишлатишга йўл қўйилмаган.

Европада Альп тоғида жойлашган Австрия, Швейцария ва Италия давлатининг шимолий тоғли қисмларида йўл чеккаларида ўнлаб километр узунлиқдаги масофада шамол электр қурилмалари ишлаб турибди ва улардан олинладиган электр энергия ҳўжалиқнинг турли тармоқларида ишлатиб келинмоқда.

Шамолдан олинладиган электр энергиянинг қиймати 1 кВт/соат АКШда 5,5 центни ташкил қилади.

Бу кўмир асосида ишлайдиган электр станцияларидан олинладиган электр энергия нархи билан таққосланса, анча арзон. Бу экологик тоза энергия манбаига дунёдаги нафақат ривожланган, балки ривожланаётган давлатлар ҳам эътибор бермоқда. Электр энергия берадиган шамол қурилмалари 20 йиллар давомида жиддий таъмирлашни талаб қилмайди. Паррақлар ер юзасидан 20-40 метр баланд қурилса, суғориладиган ерларга ҳам, яйловларга ҳам зарар етказмайди. Паррақлар айланишида чиқадиган шовқин ҳисобга олинмай, уларни аҳоли яшайдиган жойлардан бир неча юз метр ўзқликда жойлаштирилади.

Баъзи бир олимларимиз метеорологик станциялар маълумотларига асосланиб мамлакатимизда шамол энергетикасининг истиқболи йўқ деган фикрни илгари суришди. Бу тўғри эмас, албатта. Чунки очик чўл ҳудудларида, яъни: Навоий, Бухоро, Хоразм, Қорақалпоғистоннинг текис ерларида шамолнинг йиллик ўртача тезлиги 3-5 м/сек дан ошади. Агарда шу ҳудудларда шамол тезлиги 10 метр баландликда эмас, балки 30-40 метр баландликда ўлчанса, олинладиган натижа янада яхши бўлишига ишончимиз қомил. Бухоро, Хоразм воҳалари атрофларида минглаб шамол қурилмалари ўрнатилса, шу жойларда ер ости сувларини чиқариш ҳисобига иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш, боғдорчилик, полизчиликни ташкил қилиш имкониятлари яратилади.

Мамлакатимизда альтернатив энергия манбаларидан қўш энергиясини биринчи ўринда туради. Йил давомида 300 кундан ортиқ қўш қунилар давом этадиган республикамизнинг ҳар бир квадрат метр майдони ёз ойлари 1,5-1,6 кВт/соат, қиш ойлари 0,5-0,7 кВт/соат энергия бериш имкониятига эга. Умуман йил давомида ҳар бир квадрат метр майдондан ўртача 1 кВт/соат электр энергия олиш мумкин. Қўш энергиясининг қуввати қиш ойлари ҳаво булутли бўлиши туфайли анча камайдиган. Ана шу

камайдиган энергия ўрнини шамол энергияси тўлдириши мумкин. Шу сабабли ҳам бизнинг шароитимизда қўш батареялари билан шамол қурилмалари бир-бири билан ёнма-ён ўрнатилиши лозим.

Шамол энергиясининг қуввати асосан шамол тезлигига боғлиқ экан, электр энергияга талаб катта жойларда шамол тезлигининг йил давомида ўзгаришини аниқлаш бўйича тадқиқот ишларини жадаллаштириш зарур. Чунки Республика Тўғримоқнинг аниқлаш бўйича тадқиқот ишларини жадаллаштириш зарур. Чунки Республика Тўғримоқнинг аниқлаш бўйича тадқиқот ишларини жадаллаштириш зарур. Чунки Республика Тўғримоқнинг аниқлаш бўйича тадқиқот ишларини жадаллаштириш зарур.

Метеорологик станцияларни ва олий ўқув юр்தларининг география факультетлари ва кафедраларини янги замонавий шамол ўлчаш асбоблари билан таъминлаш учун Республика Тўғримоқнинг аниқлаш бўйича тадқиқот ишларини жадаллаштириш зарур. Чунки Республика Тўғримоқнинг аниқлаш бўйича тадқиқот ишларини жадаллаштириш зарур.

Шамол энергетикаси, экологик тоза, хавфсиз ва арзон энергия турларидан ҳисобланади. Яқин келажакда, ўн минглаб, юз минглаб шамол қурилмалари республикамиздаги шамол кучли ва доимо эсадиган жойларда ишлаб, иқтисодий имкониятнинг турли соҳаларини электр энергияси билан таъминлашига ишончимиз қомил. Бунинг учун эса, аввало ҳар бир вилоятда шамол кучли ва доимо эсадиган жойлар ўрганилиб, уларни харитада кўрсатиш лозим. Бундай хариталар келажакда шамол қурилмаларини ўрнатишга илмий асос вазифасини бажаради.

Орзимурод РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Субхон АББОСОВ,
Самарқанд давлат университети
профессорлари.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

Тож Маҳал

таъмирланади ёки
бузилади



Ҳиндистон Олий суди агар ҳукумат Тож Маҳални таъмирламаса, унда ёдгорлик бузиб ташланишини маълум қилди. Бу ҳақда «РИА Новости» хабар берди.

Судьяларнинг фикрича, ёдгорликка катта зарар етган. Тож Маҳал қурилишида ишлатилган оқ мрамор 350 йил ичида кўп марта дарз кетган, катта қисмини моғор қоплаган. Ҳукумат эса ёдгорлиқни асраш учун ҳеч қандай чора кўрмаган.

Олий суднинг Ҳиндистон ҳукумати йўллаган мактубида вазиятнинг 3 хил ечими: Тож Маҳални ёпиш, бузиш ёки қайта таъмирлаш таклиф қилинган.

Ҳукумат вазиятга оидинлик киритишга ваъда берган. Маълум қилинишича, муаммонинг ечими билан Ҳиндистон техника университети шуғулланмоқда, яқин 4 ой ичида чора-тадбирлар режасини таҳдид қилиши керак.

Тож Маҳал — Агра шаҳрида жойлашган ноёб ёдгорлик. У 1653 йили Бобурийлар салтанати ҳукмдори Шохжаҳон буйруғига асосан қурилган. 1983 йилда Тож Маҳал ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Статистик маълумотларга қараганда, ҳар йили ёдгорликка 200 мингга яқин киши таъриф буюради.

Айсберг сабаб

бўтун қишлоқ
кўчирилди



Гренландия соҳилларига яқинлашган улкан айсберг оролдаги кичик қишлоқ аҳолиси ўртасида саросимани юзага келтирди. Бу ҳақда The Independent нашри маълум қилди.

Маҳаллий ҳукумат фавқулодда тартиб эълон қилиб, орол шимолидаги 180 киши яшайдиган Иннаарсуит қишлоғи аҳолисига уйлари тарқ этишни буюрган.

Қишлоқ аҳолиси айсберг эриш натижасида муз бўлақлари ажралиб чиққанидан хавфсизламоқда.

Таъкидланишича, воқеа ортидан Гренландия фавқулодда хизматлари синчков кузатув олиб бормоқда.

Қазилма

ёнилғидан бош

тортган

илк давлат



Ирландия қазилма ёнилғига сармоя киритишдан бош тортидиган илк давлат бўлиши мумкин. «The Guardian» нашрининг маълум қилишича, мамлакатнинг барча сиёсий қулаҳи қазилма ёнилғи сармояларини сотиб юборадиган қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаган.

Ҳозирда мамлакатнинг кўмир, нефть, газ, торф ва бошқа қазилма ёнилғилардан даромад олувчи 150 компания 300 миллион евролик акцияга эга. Парламент томонидан қабул қилинган қонун лойиҳаси эса бу акциялар илоҳи борича теъроқ сотиб юборилишини аниқлатади.

Ирландияда қазилма ёнилғидан воз кечишдан ташқари, 2030 йилгача бензин ва дизельда юрувчи автомобиллар сотилиши ҳам тақиқланмоқчи. Тадқиқотларга кўра, дунёдаги зарарли углеводород қишлоқларнинг 15 фоиз транспорт тармоғига тўғри келади. Шу сабабли яқин келажакда дизель ва бензинда юрувчи автомобиллар ишлаб чиқаришдан буткул олинishi мумкин.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ОДАМЛАРНИ БЕЗОВТА ҚИЛАЁТГАН МУАММО

Кармана туманида кейинги йилларда қатор саноат корхоналари ишга туширилди. Аҳоли сони ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Табиийки, аҳоли ва саноат корхоналари томонидан кунига тонналаб чиқиндилар чиқарилмоқда. Уларни ўз вақтида ташиб кетиш муҳим масалалардан бири.



ЧИҚИНДИЛАР НЕГА ОЛИБ КЕТИЛМАЯПТИ, ЖАНОБ СЕКТОР РАҲБАРИ, ҚАЕРДАСИЗ?!

Аммо тумандаги айрим маҳалаларда бу борада бир қатор муаммолар туپланиб қолган. Бу эса одамларнинг кайфиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

2018 йил 11 июль кунини Навоий вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг Чикиндилар билан боғлиқ ишларни назорат қилиш инспекцияси масъул ходимлари билан тумандаги баъзи маҳалалардаги ҳолатларни ўргандик.

«Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида йиғилиб қолган маиший чиқиндилар ўз вақтида олиб чиқиб кетилмаган. Аҳоли бугунги кунда чиқиндиларни олиб чиқиш учун «Бережливост» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси билан шартнома тўзган бўлса-да, чиқиндилар ўз вақтида ташиб кетилмапти.

Намунали уйлар қаршидаги бундай ҳолатларга маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Акатов шундай изоҳ беради:

— Биз корхона раҳбарига бир неча мартаба оғзаки ва ёзма тарзда мурожаат қилдик. Аммо ҳеч қандай натижа бўлмапти. Аҳоли жон

бошига 2200 сўмдан тўловлар амалда оширилмапти. Лекин корхонада автомашиналарнинг етишмаслиги сабабли чиқиндилар ҳафтада, ҳаттоки ўн кунлаб қолиб кетмоқда.

Бундай ҳолатларни туманининг «Богичамаҳал», «Бешкент», «Талқоқ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларида ҳам қўриш мумкин. Обҳавонинг иссиқ кунларида тоғдек уюлиб ётган ушбу чиқиндилар турли юқумли касалликларни келтириб чиқармаслигига ҳеч ким қарор беролмайди.

— Ёзининг жазирамасида чиқиндилардан келадиган бадбўй ҳидга чидаб бўлмапти, — дейди Замира Мирзаева. — Бу ҳақда кимга мурожаат қилмайлик, ижобий натижа бўлмапти. Чиқиндилар атрофи қаровсиз қолган ит-мушуклар билан тўлган. Ён ёмони, турли зарарли ҳашаротлар ҳам уйимизга киришмоқда. Бу ҳолат шундайлигича қолса, фарзандларимиз турли касалликларга чалиниши мумкинлиги бизни қаттиқ ташвишлантирмоқда.

Энг ачинарли ҳолат, туман марказидаги «Бешкент» МФЙ ҳудудида чиқиндилар ҳафтада бир марта

олиб чиқиш кетилар экан. Ваҳоланки, чиқинди йиғиш шохобчасидаги мавжуд 3 донa контейнер бир куннинг ўзидаёқ чиқинди билан тўлиб қоларкан. Қолган 6 кун давомида аҳоли нима бўлишини тасаввур қилиб қўрин?.. Чиқинди йиғиш шохобчаси қаровсиз қолганлиги натижасида ҳаттоки деворлари нурлаб қолиш даражасига келган. Шохобчада иккиламчи хомашё чиқиндилари (қоғоз, металл парчалари, пластмасса ва бошқалар)ни саралаш ишлари умуман олиб борилмапти. Чиқиндилар ўз вақтида олиб кетилмаганлиги сабабли улар ён-атрофга ёйилиб кетган. Қаровсиз ит-мушуклар эса ушбу чиқиндиҳонаи ўзларига «мажон» тутишган. Шу атрофда ўтлаб юрган қўй-қўзлар ҳам ушбу чиқиндиҳонани ҳеч бўлмаганда бир марта «титкилаб» кўради. Шамол турса, чиқиндилар ён-атрофга сочилиб кетади, бадбўй хид ёйилади.

— Мазкур ҳолатлар бўйича «Бережливост» хусусий корхонаси раҳбарига икки ойдан буюн оғохлантириш хати юбормоқдамиз, — дейди Навоий вилоят Экология ва

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг Чикиндилар билан боғлиқ ишларни назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси Жасур Абсолиев. — Ҳолат шу тарзда давом этса, мазкур маҳаллар фуқаролари билан корхона ўртасида тузилган шартнома бекор қилинади.


Шу ўринда саволлар туғилади: Чиқиндиларни олиб чиқиш кетиш ишлари билан шуғулланувчи «Бережливост» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси мутасаддилари нега бу ҳолатга бефарқ қарамоқда? Техникалари етишмасса, нега чора кўришмайди, нега аҳоли билан шартнома тузади? Ҳудудларни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришга масъул бўлган сектор раҳбарлари бу ҳолатдан беҳабарми?! Йўқ, албатта, қўриб, биллиб туришибди. Унда нега ўз вазифаларини бажаришмаяпти?..

Уйлаймики, сектор раҳбарлари бу саволларга жавоб топишда ва одамларни безовта қилиб келадиган муаммони ҳал этишдади.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ беш жилдлик тўлиқ асарлар тўплами нашр этилди

Улуғ адиб Абдулла Қодирийнинг қисса ва романлари, публицистикаси алоҳида китоблар шаклида нашр этилгани, этилаётгани, муаллифнинг беназир ижоди ҳақида беҳисоб мақола, тадқиқотлар битилгани жаматчиликка яхши аён. Айни чоғда ёзувчи ижоди, ҳаёти тўғрисида яхлит, тугал тасаввур берадиган кўп жилдликлари ҳали нашр этилгани йўқ эди. «INFO CAPITAL GROUP» хусусий нашриёти томонидан яқинда нашрдан чиққан беш жилдлик маданий ҳаётимизда қувончли воқеа бўлди.



Жилдликлардан «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён» романлари, «Обид кетмон» қиссаси, публицистикаси, таржималари, фарзандлари Ҳабибулла, Маъсуд Қодирий, адибни яхши билган, мулоқотда бўлган инсонларнинг хотира, эсдаликлари, унга ихлоси баланд кейинги авлод вакиллари билан мулоқотда, ўткан аср йигирмачи, ўттинчи йилларда матбуотда босилган мақола, бахс-мунозара, фикр-мулоҳазаларнинг аксарияти, шеърлар, ҳикоялар, суратлар, ҳужжат, қўлёзмаларнинг фотонусхалари ўрин олган.

Биринчи жилдга Иброҳим Ғафуров «Абдулла Қодирий сиймоси» номи билан ва тўғридан-тўғри ёзган. Кейинги жилдларда Усмон Азимнинг «Ватаним сенинг дарслари», Умарали Норматовнинг «Обид кетмон ҳақида», Омонулло Мадаевнинг «Қодирий ижодида миллий қадрият», Сирожиiddин Аҳмаднинг «Истибод замонида қиёфаси», Хондаминнинг «Қодирий ўқиган саҳифалар» номи билан, далилларга бой мақола — ўзига хос очкичлари берилган.

«Ўткан кунлар»нинг 1926 ва 1933 йиллардаги, «Мехробдан чаён»нинг 1929 ва 1935 йиллардаги нашрлари

тафовутлари (ўрнига ўрин киритилган сўз ва жумлалар чиқиқ тортиш, иккинчи нашрига киритилганлари тўлиқлиги (курсив) ҳарфлар билан ажратиш, тушириб қолдирилганлари қавс ичига олиш орқали) бирма-бир келтирилган. «Инқилоб» журналининг 1923 йил 9-16 сонларида босилган бўлимидаги берилиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола этилгани, аввало адибнинг асарлари устида қанчалик қаттиқ ишлагани, ҳайратангиз маҳоратини аңлатган, иккинчидан, ноширларнинг сабр-тоқат билан эринмай жиддий меҳнат қилганидан далолатдир.

Иккинчи жилдга Абдулла Қодирийнинг Гоголь, Чеховдан, шунингдек, А.П.Чехов, Э.М.Зоя, Марк Твен, Э.С. де Кейрош, Виктор Маргарет, С.Ж. Гусев-Оренбургский асарларидан таржималари, адибни кўрган, билган, мулоқотда бўлган

Олтой, Музафина Алавия, Раҳмат Азизхўжаев, жами 25 кишининг эс-даликлари ҳам киритилгани жилднинг салмоғи, аҳамиятини янада оширган. Таржима, хотиралар турли вақтларда, турли нашрларда чиққан (баъзилари илк бор эълон қилинаётган), эндиликда бир жойга жам этилиши ўқувчи, тадқиқотчиларга қулайлик туғдиради.

Учинчи жилд — Қодирийнинг ўтган аср ўнинчи, йигирмачи, ўттинчи йилларда яратган шеър, ҳикоя, тақриз, мақола, очерк, фелетон, хатларидан иборат. Ислам, олим, адиб, шоир, мунаққидларнинг катта-кичик мақолалари, ҳатто бир чимдим фикрлари ҳам ўқувчи ёдида нақшланиб қолади. Хусусан, Бертелснинг жаҳонга маълум бешта романилик мактабига Қодирий романилик мактаби олтинчи бўлиб қўшилгани ҳақидаги мардона

«Улоқда», «Жинлар базми» «Жувон-боз» ҳикоялари носирларга, «Бахт-сиз кув» пьесаси драматургларга, «Калвак маҳсум», «Тошпўлат таҳанг» фелетонлари ҳажвчиларга («адиб йигирмачи йиллардаёқ «Фелетон қироли» деган эътирофга лойиқ қўрилган бежиз эмас), адабий-танқидий мақолалари мунаққидларга кўп нарсас беради.

Тўртинчи жилдда «Обид кетмон» матни, адиб ижодида бағишланган мақолалар, муаллифлар изоҳлари, М.Шеввердин, Сотти Хусайн, Миён Бузрук, Мирза Нуртой, Олим Шарафидинов, Жуманиёз Шарифий, Зийв Саид, Назир Сафаров ва бошқаларнинг чиқишлари ҳавола қилинади. Илгари бу чиқишлар ҳақида асосан адиб, адабиётшунос, мунаққидлар мақола, тадқиқотлари асосида тасаввур ҳосил қилган ўқувчи эндиликда ўзи ўқиб, мустақил фикр, ҳулосага келиш имкони туғилади. М.Шеввердин, Сотти Хусайн, Миён Бузрук ва бошқалар адиб ижодида вульгар социализм, синфий кураш қолиплари, большевик мафкура талаблари асосида ёндошган, «Ўткан кунлар» бизнинг роман эмас, «Қодирий бизнинг ёзувчимиз эмас» дея қатъий ҳукм чиқаришдан бўлсалар-да, барибир муаллифнинг санъаткорлигига тан беришга, образ, характер яратиш маҳоратига мисоллар келтиришга мажбур бўлишган.

Бешинчи жилдга Абдулла Қодирийга бағишланган эсдалик, мақола, фикр-мулоҳазаларнинг аксарияти киритилган. Албатта, кўп жойини Ҳабибулла, Маъсуд Қодирийнинг «Отам ҳақида», «Ўтканлар ёди» номи хотиралари эгаллайдики, бу табиий ва мантаний. Таниқли олим, адиб, шоир, мунаққидларнинг катта-кичик мақолалари, ҳатто бир чимдим фикрлари ҳам ўқувчи ёдида нақшланиб қолади. Хусусан, Бертелснинг жаҳонга маълум бешта романилик мактабига Қодирий романилик мактаби олтинчи бўлиб қўшилгани ҳақидаги мардона

хулосаси, Чўлпоннинг «Ўзбек онаси яқин ўртада иккинчи Абдулла Қодирийни туғмаса керак», деган чўнг фикри, Мухтор Азиев, Берди Кербобоев, Хидир Деряев, Жалол Икромий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Одил Ёқубов, Абдулла Орипов, Тохир Малик, Хайриддин Фултон ва бошқаларнинг ҳайратомуз эътирофларини эслаш жоиз. Юнус Маъсудов ўз хотираларида адибнинг ўзидан эшитган бир воқеани эслайди: ўттинчи йилларнинг бошларида республика олий раҳбарларидан бири Қодирийга мурожаат қилиб, агар Юсуфбек хожининг энг ёвуз душман кимлиги ҳақидаги, Отабекнинг чор аскарлари билан урушда шахид бўлгани эпизодларини олиб ташласангиз, «Ўткан кунлар»ни қайта нашр қилардик, сизга мўмай қалам ҳақи тўлардик, деганда муаллиф бу жойларсиз романининг сариқ қаҳалки аҳамияти қолмайди, рози эмасман, деб жавоб қайтарган, раҳбар ҳам пировардида унинг фикрига қўшилган экан.

Адабиётимиз, матбуотимиз, маънавиятимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшган, мустабид тузумнинг энг қора, кир ўттинчи йилларида бегуноқа қатағон тегирмонига тушган Абдулла Қодирий бобомиз хотираси олдида ҳали кўп қарздормиз, бурчдормиз. Адиб номига олий ўқув юрти, метро бекати, боғ, кўча, мактаблар қўйилгани, бугун адиб асарлари қайта нашр этилаётгани, хорижий тилларга ўғирлаётгани кутлуг ишлардир. Абдулла Қодирий ижоди битмас-туганмас ноёб хазина, уни қанча кўп ўргансак, ўзбек тилининг бойлиги, гўзаллиги, муаллифнинг бадиий маҳорати, фалсафий қарашлари, доно фикрларидан баҳраманд бўлиб бораверамиз. Энг муҳими, адиб асарлари кишида миллий гуруҳ ва ифтихори уйғотади.

Сайди УМИРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийси, адабиётшунос.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

ЭҚТИЁЖМАНД КИШИЛАРНИНГ ХОНАДОНЛАРИ ОБОД БЎЛАПТИ

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси «Обод хонадон — юрт кўрки» лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар ҳақида матбуот анжумани ўтказди.

— Федерация томонидан Президентимизнинг «Обод қишлоқ» дастури тўғрисидаги фармони таълифларида келиб чиқадиган вазифалар доирасида «Обод хонадон — юрт кўрки» лойиҳаси ишлаб чиқилди, — дейди Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси раиси Жаҳонгир Саримсоқов. — Унда аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга кўмаклашиш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, имконияти чекланган, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш орқали уларни ижтимоий фаоллик сари етаклаш, уларнинг уй-жойга доир ҳуқуқларини амалга ошириш, ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланиши, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун кўмаклашиш мақсад қилинган.

Жорий йилда ўтказилган мулоқотлар давомида юртимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, авария ҳолатида бўлган 12 та хонадонни Федерациянинг ўз маблағлари ҳисобидан обод хонадонга айлантириш режаси белгилаб олинди.

Лойиҳанинг яна бир муҳим томонларидан бири — эҳтиёжманд кишиларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун кўмаклашишдан иборат. Бу борада ҳам муайян ишлар қилинди. Жумладан, Фарғона вилоятида истиқомат қилувчи Баҳриддин Отаевнинг хонадонига лимон кўчатлари етиштиришга мўлжалланган замонавий иссиқхона барпо этилди. Хоразмлик Шахло Собирова хонадонига гул кўчатлари етиштириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Федерация ташаббуси билан қўллаб-қўйишлар, ҳудудларда фаолият кўрсатаётган сектор раҳбарлари ҳам лойиҳага жалб қилинди. Янги хонадон эгаларига уй-рўзгор буюмлари совға қилинди.

«Обод хонадон — юрт кўрки» лойиҳаси доирасида амалга оширилган қурилиш ва таъмирлаш ишларига Федерация ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан жами 338 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

БУТУННИНГ ГАПИ

ҚИШЛОҚҚА КУТУБХОНАЛАР ҚАЙТМОҚДА

Ҳар кутубхона ёки клуб ҳақида кетганда, болалигимда кўрганларим ёдга тушади. Жовли полвон отамнинг яқин қариндоши, отам эса ўрта мактабни тугатган, ташкилотчи, ғайрати танига сиғмайдиган киши эди. Клуб уйимизнинг олдида эди, шу туфайли раис клуб мудирлигини отамга, кутубхона мудирлигини онамга топширади. Клубнинг орқаси ташландиқ жой эди, отам ёшларни чорлаб, бу ерда спорт майдончаси барпо этди. Футбол, волейбол ўйнайдиган жойлар аниқ ўлчамли эди. Кейин тўппар, дарвозаларга тўрлар олиб келинди. Оиламиз 17 йил бу маданият масканларида ишлади.

Отам бригада бошлиғи бўлиб кетгач, ўтган асрнинг етмишинчи йилларида мен клуб мудир, келинотим Хайринисо кутубхоначи бўлди. Мактабга кетганимда янгам клуб ва кутубхонани очар, кейин бу иш билан мен шугулланардим. Кутубхонада 9 минг жилд китоб бор эди. Агар 1,5-2 минг жилд қишлоқ хўжалиги, техникага оид, рус тилидаги адабиётлар бўлса, қолгани бундай китоблар эди. Бундан ташқари, 20-30 хил газета ва журналларга обуна бўлинар, журнал киши кутубхонага кириб, ўзи хоҳлаган нашрни ўқирди. Китобхоналар жуда кўп эди. Китобларни уйларига олиб кетиб мутулаа қилишарди.

Бундан ташқари, клубнинг кичик залида стол ва стуллар қўйилиб шохмат, шашка, домино ўйнаш учун шароит яратилган эди. Одамлар китоб мутулааси, шохмат-шашка ўйнашга шундай қизиқиб кетишардики, клуб ярим кечагача очик бўларди. Одамларнинг кўпчилиги даладан, ишдан кейин маданий дам олгани келишарди. Мусобақалар ўтказиларди. Клубнинг катта залида Комилжон Отаиёзов, Фахриддин Умаров, Мукаррама

Тўғрүнбоева каби улкан санъаткорларнинг қўшиқ ва рақсларини қишлоқдошларимиз мириқиб томоша қилишган. Бир сўз билан айтганда, клуб турмуш маданиятини оширишга хизмат қилаётган маскан эди.

Мен ўқишга кетгач, бошқалар ишлай бошлади. Ҳар ҳолда клуб ва кутубхона фаолияти тўхтамади. Кейинчалик Тошкент маданият институтида (ҳозирги маданият ва санъат институти) ўқиб келган ёшлар клуб ва кутубхона ишини юртида бошлади. Аммо давр ўзгараётган эди. Мен бундай клуб ва кутубхоналарни Яққабов, Шаҳрисабз, Қарши, Чирочки ва бошқа қўллаб-қувватлаган кўрганман. Аммо 2005 йилда хўжалик тугатилиб, фермерчилик ташкил топгач, клуб қаровсиз қолди. Чунки ҳодимларга иш ҳақи тўлайдиган ташкилот йўқ эди. Туманлар маданият бўлимига маблағсиз, эътиборсиз қолди.

«Янги уй қўрмай, эскисини бузмайлик!» шioriга ҳамма жойда амал қилинмади. Маданият ишларига масъул бўлган раҳбарлар ўз вазифаларини эълоли олишмади. Бундан айрим унларлар фойдала-

ниб қолишди. Масалан, Дехқонобод туманида маданият бўлимига қарашли бинолар сотиб юборилди. Бошқа туманларда ҳам шу ҳол кузатилди.

Китоб туман маданият бўлимига қарашли санъат саройида тўқсонинчи йилларнинг ўртасида катта кутубхона жойлашган бўлиб, 300 мингга яқин китоб фондига эга эди. Уларни асраш ва қўлайтириш учун олий маълумотли мутахассис, марказий кутубхона мудираси раҳматли Гулҳажа Исломова кўп хизмат қилган эди.

Афсуски, 2010 йилларга келиб, китоблар кутубхонадан қаёққадир олиб кетила бошланди. Бир борганимда, 3-3,5 минг жилд китоб қолгани, уни ҳам маиший хизмат коллежига топширишгани ҳақида айтиб беришганди. Хуллас, улкан кутубхона барбод бўлган эди.

Президентимиз 2016 йил 16 ноябрда Шаҳрисабз шаҳрида Қашқадарё вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувда Қашки туманида яшаётган, бутун умрини ёшлар таълим-тарбиясига бағишлаган, пенсияга чиққанидан кейин ўз ҳисобидан 20

минг китоб тўплаб, кутубхона очган устоз ўқитувчи, раҳматли Холбой Хонкуловни санимлаб билан ёдга олган эди.

Бу эътибор ва эътироф кўпчиликини тўққилантириб юборди. Китобга муносабатини ўзгартирди. «Обод қишлоқ» Дастури туфайли қишлоқ жойларда кутубхона, маданият муассасалари қурилишига эътибор қўяйди.

— Хатолар ўтиб кетди, уларни тузатиш, янги замон талаби асосида ишлаш керак, — дейди Китоб туман маданият бўлими бошлиғи Яшин Тўраев. — Ҳозир Севаст қишлоғидаги эски клуб биносини таъмирлаётимиз. Сиз айтган Олакўйлик қишлоғида эски клуб биносини таъмирлаш учун 2 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилмоқда. Туман аҳоли дам олиш марказидан 1000 дана китоб келтириб, янги кутубхонага асос солидик. Ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Қашқадарё вилоятининг қўллаб-қувватлаган маънавиятга, маърифатга хизмат қилаётган бу каби ишлар кенг тус олмақда, одамларнинг кўнгли кўтарилмоқда.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «KRANTAS»

Производит и реализует под заказ:



- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Gulnara OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80.

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 738. 6958 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

o'za yakuni — 00:05.

Topshirilgan vaqti — 00:25

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbati:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



Gazetaning elektron sahifasiga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

1 2 4 5 6